

ДАРSDАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Холматов Пардабой Карабекович - п.ф.н, доцент,

Оришев Жамшид Баходирович – ўқитувчи.

А. Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси

Аннотация. Мақолада дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчилар касбий тарбиясини шакллантириш юзасидан мулохазалар баён этилади.

Калит сўзлар. Касбий тайёргарлик, касб-хунарга йўналтириш, дарсдан ташқари машғулот, касбий таълим.

Аннотация. В статье даны рекомендации по формированию профессионального образования студентов во внешкольной деятельности.

Ключевые слов. профессиональная подготовка, профориентация, внеклассные занятия, профессиональное образование.

Annotation.The article gives recommendations on the formation of professional education of students in extracurricular activities.

Keywords: professional training, career guidance, extracurricular activities professional education.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири –ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятда фаол иштирол этиш ва фаолиятга тайёрлашдир. Касб-хунарга йўналтириш - ўқувчиларнинг касб-хунар ва меҳнат билан боғлиқ режаларини тузиш, касб-хунар ва меҳнат фаолияти соҳасини танлаш жараёнига раҳбарлик қилиш демак. Бундан келиб чиқадики, касб-хунарга йўналтириш мактаб фаолиятининг ажралмас қисмидир. Бу нафақат мактабнинг, балки барча ўқувчи ёшлар таълим-тарбиясига маъсул ижтимоий инситутлар, шу жумладан, оила, маҳалла, давлат ташкилотлари,

ёшлар иттифоқи ва бошқалар асосий вазифасидир. Республикамиз ҳам ривожланган давлатлар қатори саноатлашган мамлакатлар сирасига яқинлашмоқда. Албатта бунда янги касбларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлмоқда. Республикамизда ҳам янги касб мактаблари, техникумлар ва турли хил марказлар ташкил этилиб касб-ҳунарга ўргатилмоқда. Шу ўринда дунё мамлакатлари каби масалан Туркия, Ҳиндистон, Покистон мамлакатлари дунё мамлакатларига дастурчи шифокорлар тайёрлаб бераётган даврда биз ҳам нуфузли касб эгаларини тайёрлаш нафақат республикамизга балки дунё мамлакатларига тайёрлаш мақсадга мувофиқ даб ўйлаймиз.

Касбий тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Дарсдан ташқари машғулотларда касбий тарбиянинг асосий вазифаси шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.

Бунинг учун:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб, бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби касбий тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончиликка, тухмат, чақимчилик) га тоқатсизлик;

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат мулоқотини ўрганиш, ўз халқига, давлатига содиқлик, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқат руҳида тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг раънақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;

- мустақил давлатимиз Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо бериш, унинг тинчликсеварлик, ошкоралик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора очик ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда энг олий кадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларимизни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Дарсдан ва мактабдан ташқари касбий тарбиявий ишлар ўқувчиларнинг қизиқиши, истаклари, хоҳиш ва эҳтиёжларига суянган ҳолда, уларнинг дарсдан бўш вақтларининг ўқув тарбия жараёнини тўлдиради. У ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини, ташаббускорлигини оширишга имконият яратади. Ўқувчиларда касбий тарбияни шакллантиришда китоб ва

китобхонлик муҳим аҳамият касб этади. Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни ўқиш ва кўз қорачиғидек сақлай билиш лозим. Ўқиш учун уни танлай олиш ва ўқиш маданиятини билиш керак. Бу ишда устозу мураббийлар ва кутубхона ходимлари ёрдам беришлари лозим.

Касбий тарбияни амалга оширишда таълим муассасаларида умуминсоний кадриятлар доимо диққат марказида бўлиши ва уни амалга ошириш учун шахс эркинлиги ва ошқораликни ҳимоялаш ҳар бир кишининг асосий вазифасидир. Кундалик тарбиявий ишларни шундай ташкил этиш зарурки, натижада ўқувчилар Республика мустақиллиги шароитида унинг муаммоларини ўзиникидек қабул қиладиган бўлсин. Уларнинг оғирлигини ўз елкасига оладиган, мумкин қадар Ватанга фойда келтирадиган шахс бўлиб улғайсин. Бугунги кунда олиб борилаётган, кўзда тутилган барча янгиликлар жараёнлари, иқтисодий-ижтимоий, маданий соҳалардаги туб ўзгаришлар ҳамманинг фидокорона хизмати туфайлигина юзага келишини тушунсин.

Дарсдан ва мактабдан ташқари касбий тарбияни амалга оширишда куйидаги асосий тадбирларга эътибор қаратиш лозим бўлади:

- касбий тарбия жараёнини ташкил этишнинг аниқ йўналишлари бўйича тадбирлар мажмуаси ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш;
- касбий тарбияни замон талаблари асосида ташкил этадиган педагог ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- касбий тарбия вазифаларни ҳал қилиш учун республиканинг барча илмий кучлари: Ўзбекистон Фанлар Академияси, олий ўқув юртлари, фан, тармоқ, давлат ва нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда илмий-педагог бўлимлар фаолиятини бирлаштириш зарур.

Хулоса қилиб айтганда дарсдан ташқари машғулотларда касб танлашга йўналтириш ишлари маҳаллий шароитларга мослаб аниқ режалар, тадбирлар ишлаб чиқиш учун асос бўлиши керак. Ушбу концепция асосий тарбиявий иш йўналишларининг мазмуни, мақсадлари, вазифаларини белгилашда ва шубҳасиз, халқ таълими тизимидаги барча турдаги таълим муассасаларининг педагогик жамоалари, жамоатчиликнинг куч-ғайратини

ёшлар тарбияси муаммоларини ҳал қилишга яхлит ёндашишни ўз мазмунига жамлаб, ўсиб келаётган ёш авлодни шакллантиришнинг аниқ вазифаларини бажаришда дастурамал бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Кучукбоев Ф. М. ва б. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш жараёнида қўлланиладиган педагогик технологиялар.Тошкент. ЎзПФТИ, 2016.

2.Холматов П.Қ.Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш технологияси. Монография.Тошкент. Фан. 2006

3.Холматов П.Қ., Рахимов Б.Х. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўллаш технологияси. Тошкент. Фан. 2006.

4.Муслимов Н. А. Шарипов Ш.С. Қўйсинов О. Мехнат таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. Тошкент 2014

5.Муслимов Н. А., Муллахметов Р. Касб танлашга йўллаш. Тошкент 2007 й.